

2021
I СОН



"ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ"
илмий электрон журнали

"ЛОГИСТИКА И ЭКОНОМИКА"
научно-электронный журнал

"LOGISTICS AND ECONOMY"
scientific-electronic journal

www.economyjournal.uz

Электрон журнал Олий Аттестация комиссиясининг миллий илмий нашрлари рўйхатида киритилган.



ТАҲРИРИЯТ КЕНГАШИ

Таҳририят Кенгаши раиси

Муҳиддин Бахритдинович Калонов

иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)

Таҳририят Кенгаши раиси ўринбосари,

Комил Раббимович Хотамов

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бош муҳаррир

Фахриддин Икромович Исаев

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Таҳририят Кенгаши аъзолари:

и.ф.д., акад. Каландар Ходжаевич Абдурахманов

и.ф.д., проф. Абдуқодир Ҳамидович Тошқулов

т.ф.д., проф. Кунгратбай Авазимбетович Шарипов

и.ф.д., проф. Одил Қаландарович Абдурахманов

и.ф.д., доц. Мансур Пўлатович Эшов

и.ф.д., проф. Гулнора Каландаровна Абдурахманова

и.ф.д., проф. Мамаюнус Қаршибоевич Пардаев

и.ф.д., проф. Нодир Хосиятович Жумаев

и.ф.д., проф. Тулқин Хайитмуродович Фарманов

и.ф.д., проф. Алишер Жўраевич Тўйчиев

и.ф.д., проф. Адхам Азизович Фаттахов

и.ф.д., проф. Садридин Каримович Худойқулов

и.ф.д., проф. Султонали Умаралиевич Мехмонов

и.ф.д., проф. Шойзоқ Рахматович Холмўминов

т.ф.д., проф. Алимжон Ахмаджонович Рискулов

и.ф.ф.д.,(PhD) Kliment Lazarashvili (АҚШ, Жоржиа ХУ)

и.ф.д., проф. Hermann Sterzinger (Германия, Мюьнхен ТУ)

и.ф.д., проф. Masato Hiwatari (Япония, Токио ХУ)

и.ф.д., проф. Михаил Исакович Кутер (Россия Федерацияси, Кубан ГУ)

и.ф.д., проф. Sung Dong Ki (Корея, Сеул МУ)



и.ф.д., проф. Татаьяна Борисовна Леберьт (Россия Федерацияси, Урал ГНТУ)
и.ф.д., проф. Зият Ниязович Қурбанов
и.ф.д., проф. Шахноза Жасуровна Эргашходжаева
и.ф.д., проф. Акром Абдиевич Хошимов
и.ф.д., проф. Расул Олимович Холбеков
и.ф.д., проф. Ақтам Усманович Бурханов
и.ф.д., проф. Баходир Акрамович Хасанов
и.ф.д., проф. Каримжон Бакиджанович Ахмеджанов
и.ф.д., проф. Неъматулла Фатхуллаевич Каримов
и.ф.д., проф. Олим Мамаюнусович Пардаев
и.ф.д., доц. Бегматжон Юлдашалиевич Мақсудов
и.ф.д., доц. Нурбек Кадиорович Ризаев
и.ф.д., доц. Жаҳонгир Жалолдинович Урмонов
и.ф.д., доц. Нодира Баходировна Абдусаломова
и.ф.н., проф. Шахло Тургуновна Эргашева
и.ф.н., доц. Норбута Эшназарович Бабахалов
и.ф.ф.д (PhD), доц. Мунис Қурбонович Абдуллаев
и.ф.ф.д., проф. Одилжон Собирович Абдураззаков (Германия, Кёльн БМ)
и.ф.ф.д (PhD). Бобир Ортиқмирзаевич Турсунов
и.ф.ф.д (PhD). Мақсуд Сувонқулович Рустамов
и.ф.ф.д (PhD). Илҳом Ғиёзович Кенжаев
т.ф.ф.д (PhD). Ботир Инатович Абдуллаев

Масъул муҳаррир

и.ф.д., доц. Гулнора Мардиевна Шадиева

Веб-администратор А.Маматов

МУНДАРИЖА

Aliqulov M.S.	<i>Sug'urta kompaniyalarining investitsiya faoliyati samaradorligini baholovchi ko'rsatkichlari</i>	6
Kosimov M.A.	<i>Transport - factors influencing the digitization of promising technologies of forwarding and logistics services</i>	14
Ostonokulov A.A.	<i>Davlat sektoridagi muassasalarning byudjetdan tashqari mablag'lari hisobi uslubiyotini takomillashtirish</i>	19
Tursunhodjayeva Sh.Z.	<i>Moliyaviy risklarni baholashning integral balli tizimi</i>	29
Tursunov B.O.	<i>Issues of financial security management at textile enterprises</i>	34
Yunusova S.B.	<i>Davlat-xususiy sherikligining xorij tajribasi va O'zbekiston Respublikasida qo'llash imkoniyatlari</i>	41
Азимова Л.С.	<i>Божхона органларида божхона тўловларидан бериладиган имтиёزلарни бериш ва назорат қилишни такомиллаштириш йўллари</i>	51
Ахмедова Х.О.	<i>Тижорат банкларида комплаенс-назоратнинг замонавий механизмлари ва технологиялари</i>	58
Бакиров Б.Н.	<i>Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг трансмиссион механизмнинг фоиз ставка канали</i>	64
Бозоров А.А.	<i>Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар)ни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш масалалари</i>	72
Бузрукхонов С.М.	<i>Олий таълимни инновацион ривожлантиришни молиялаштириш механизми ва инновацияларни инвестицион жозибадорлигини баҳолашнинг услубий ёндашувлари</i>	84
Бўронов Ф.Р.	<i>Ўзбекистонда монетар сиёсат валюта каналига таъсир қилувчи омилларнинг эмпирик таҳлили</i>	99
Шадиева Г.М.	<i>Оилавий тадбиркорлик: моҳияти, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишдаги роли</i>	107
Гиясов С.А.	<i>Инвестицион солиқ кредитини қўллаш тартибини жорий қилиш имкониятлари</i>	113
Жумаева С.Х.	<i>Тўлов балансини мувофиқлаштиришда валюта сиёсатидан фойдаланишнинг назарий-услубий жиҳатлари</i>	120
Ибрагимова Р.А.	<i>Банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги эмиссон фаолиятини ривожлантириш масалалари</i>	125
Исмаилов Ф.А.	<i>Теоретические основы PRIVATE BANKING и VIP-клиента банка</i>	133

Кадиров С.Ш. Ризаев Н.К.	Номоддий активлар таҳлилини такомиллаштириш йўллари	142
Каримов Н.Ф. Ҳакимов У.А.	Пенсия таъминоти тизими: ривожланган мамлакатлар тажрибаси	149
Кенжаев И.Ф.	Рақамли иқтисодий ривожлантиришда суғурта ташкилотларининг ролини ошириш масалалари	158
Кузиев Р.Р.	Ўзбекистон эркин иқтисодий зоналарининг таҳлили: ривожланиши, фаолияти ва амалдаги солиқ режими	167
Курбанов З.Н. Назаров А.К.	Ўзбекистон Республикасида фискал ва солиқ сиёсатларининг асосий йўналишлари	177
Қурбанов М.А.	Мақсадли фондлар шаффофлигини таъминлаш масалалари	186
Мамадияров З.Т.	Пандемия: банкларни трансформация қилишни янада жадаллаштириш	192
Маматқулов М.Ш.	Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотларда логистик харажатлар бошқарув ҳисобини такомиллаштириш	201
Махкамбоев К.А.	Автотранспорт корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлиги ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари	210
Набиев Б.К.	Хорижий банклар амалиётида молиявий рискларни рақамли технологиялар асосида баҳолаш усуллари	220
Норов А.Р. Шанасирова Н.А.	Ўзбекистон Республикасини халқаро рейтинг кўрсаткичларини оширишда тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш механизмлари	229
Ташбаев Б.Ў.	Ўзбекистонда давлат ички ва ташқи қарзлар сиёсати таҳлили	236
Ташманова Д.Д.	Ўзбекистонда кредит каналининг иқтисодий таъсирини эконометрик таҳлили	244
Турсунов А.А.	Ўзбекистон тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш йўли	251
Турсунов Ж.П. Маматкулова Я.Д.	Миллий пенсия таъминоти тизимининг назарий ва амалий асослари	260
Файзиева С.А.	Рақамли туризм: устувор масалалар, имкониятлар ҳамда муаммолар	270
Хошимов Э.А.	Рақамли иқтисодий шароитида валютавий интеграцияни чуқурлаштириш истиқболлари	277
Худайберганов Д.Т.	Республикамизда товар ва хизматлар бозори мониторингининг ўзига хос хусусиятлари	284
Ҳотамов К.Р. Аминбоев Ж.О.	Кафолатли таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш	289
Шермухамедов Б.У.	Рақобат шароитида тижорат банкларининг депозит сиёсати	296
Эшпўлатова З.Б.	Даромадни тан олиш: операция нархи ва уни белгилашдаги ҳолатлар	303
Юлдашев О.Т. Анваров А.А.	Солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолашнинг муҳим жиҳатлари	313
Юсупов У.Ш.	Божхона ишида транспорт логистикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари	319
Юсупова Д.Т.	Божхона соҳасида транспорт логистикасини ривожлантириш бўйича хориж тажрибаси	327



ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ИЧКИ ВА ТАШҚИ ҚАРЗЛАР СИЁСАТИ ТАҲЛИЛИ

Ташбаев Б.Ў.

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети

Аннотация: Мақолада Давлат ички ва ташқи қарзлари, Давлат суверен қарз сиёсати, Давлат қисқа муддатли облигациялари, Кредиторлар ва қарздорлар ўртасидаги муносабатлар, Қарзларни қоплаш коэффициенти, Давлат қисқа муддатли облигациялари, Ўрта муддатли ғазна мажбуриятлари, Давлат ўрта муддатли ғазна мажбуриятлари, Ташқи қарзларни бошқариш, Ўзбекистоннинг Евробондларни жойлаштириш, Давлат қарз сиёсати, Халаро инвестицион позиция, Таҳлил натижаси бўйча давлат қарз сиёсати ва уни самарадорлигининг таҳлили тўғрисида илмий тақлиф ва хулосалар берилган.

Калит сўзлар: давлат бюджет, давлат ички қарзлари, давлат ташқи қарзлари, қарзлар, фискал баланс, ялпи ички маҳсулот, ликвидлиги, ғазна, облигациялар, еврооблигация, молия.

ANALYSIS OF THE STATE DOMESTIC AND FOREIGN DEBT POLICY IN UZBEKISTAN

Tashbaev B.O.

Tashkent State University of Economics

Abstract: The article is devoted to internal and external public debt, public sovereign debt policy, short-term government bonds, the relationship between creditors and debtors, debt repayment ratio, short-term government bonds, medium-term treasury obligations, medium-term treasury obligations, external debt management, placement of Eurobonds of Uzbekistan, Scientific proposals and conclusions on the analysis of public debt policy, public investment position, public debt policy and its effectiveness on the results of the analysis.

Key words: public budget, public domestic debt, public external debt, debt, fiscal balance, gross domestic product, liquidity, treasury, bonds, eurobonds, finance.

1. Кириш.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш белгилаб олинган (Фармон, 2017).

Ушбу йўналишдаги ислохотларни амалга ошириш йирик ва стратегик тавсифдаги инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб қилишни талаб қилиб, давлат қарз сиёсатини янада жадаллаштириш ушбу қарз маблағларини инвестицион мақсадларда жалб қилиш ҳисобига истиқболдаги тараққиётнинг молиявий омили бўлиб хизмат қилиши даркор. Ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи молиявий қарзи кўпинча уларнинг иқтисодиёти ривожланишидаги асосий тўсиқлардан бири ҳисобланади. Улар молиявий тизимларининг заифлиги чет элдан ресурсларни жалб қилишни талаб қилади, аммо экзоген ва эндоген хусусиятларга кўра ташқи қарзни тўлаш жиддий муаммага айланиши мумкин.

2. Адабиётлар шарҳи.

Россиялик иқтисодчилар Анисимов ва Саркисянцларнинг фикрига кўра, ўтган ярим аср давомида дунё капитал оқимлари ҳаракатининг геосиёсий мотивларида ўсиш тенденциялари кузатилган. Умуман қарздор мамлакат иқтисодиётига таъсир қиладиган, унинг ҳаётининг сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий ҳарбий ва бошқа жиҳатларига таъсир этмайдиган кредит-қарз муносабатини тасаввур қилиб бўлмайди (Попова, 2004). Қарз муносабатлари жараёнида кредитор ҳеч бўлмаганда қарздор томонидан қарзни тўламаслиги билан боғлиқ эҳтимолий йўқотишлардан ҳимоя қилиш учун қарздорни янада шаффоф, башорат қилинадиган ва бошқариладиган қилиб кўрсатишга интилиш тенденциялари кузатилмоқда.

Анисимов (2000) давлат қарзининг реал ҳажмида, унинг ҳажми ва тўлаш муддатларидан қатъи назар, қарздор мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳатти-ҳаракатларига таъсир қилиш имкониятини яратаётганлиги тўғрисида хулоса қилади. Шунингдек, замонавий қарз сиёсатида қарздор давлатлар кўпинча ўзларининг манфаатларини қарз берувчининг манфаатлари муштараклигида воз кечишга мажбур бўлиш ҳолатлари мавжудлигини таъкидлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, замонавий давлат қарзларини ўзида мужассамлаштирувчи капиталлар миграцияси янги бозорларга кириш, арзон ресурсларга эга бўлган мамлакатлар устидан манипуляция қилишнинг муҳим инструментларидан бирига айланиб бормоқда.

Шунингдек, ҳар қандай бегона мол-мулкни ўз назоратига олиш, ёқилғи ва хом ашё ва бошқа маҳсулотларнинг айрим турларини кафолатлаш истаги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ташқи қарз асосан давлат суверенитетини чеклайди, қарз олувчи иқтисодий сиёсатининг энг муҳим қарорларини белгилайди. Қарздор, глобал молиявий тизимда ўрнатилган қоидаларга кўра, ташқи қарзларни бошқариш учун ўз шартларини қўйиш имкониятига эга эмас. Молиявий глобаллашув халқаро капиталнинг миллий иқтисодиётларга салбий таъсир қилиш хавфини оширади. Бу пул-кредит сиёсатида барқарор иқтисодий хавфсизлик талабларига жавоб берадиган тегишли чораларни ишлаб чиқиш зарурлигини белгилайди.

Машҳур америкалик молиячи Сорос (2003) кредиторлар ва қарздорлар ўртасидаги муносабатлар назариясини шакллантириб уни рефлексивлик назарияси деб атади. Ташқи қарзлар тарихини таҳлил қилиш асосида Сорос (2003) кредиторлар ва қарздор давлатлар ўртасида кўплаб рефлексив муносабатлар мавжуд- деган хулосага келди. Бир томондан, кредиторлар қарз олувчи мамлакатларнинг тўлов қобилиятини баҳолаш учун қарзларни қоплаш коэффициентларидан фойдаланадилар; иккинчи томондан, экспорт ва ЯММ кўп жиҳатдан халқаро кредитлар ҳажмига боғлиқ. Ушбу назариянинг энг муҳим жиҳати шундаки, қоплаш коэффициенти қарздор мамлакатларнинг қарзларни тўлашга тайёрлигини эмас, балки фақат ташқи қарзни тартибга солишга оид бозор назариялари томонидан ҳисобга олинмайдиган имкониятларни ўлчашини назарда тутди.

Қарзларни тўлашга бундайтайёрлик қарз мажбуриятлари бўйича тўловларда эмас, балки кредитларни тўлаш учун тўланган маблағлар ва янги олинган кредитлар ҳажми ўртасидаги фарқ сифатидаги нетто ҳажми орқали ифодаланади.

Ҳукуматлар молия, қайта молиялаштириш ва дефолт хатарларини камайтириш учун қарз муддатини узайтиришдан манфатдор. Бошқа томондан, сармоядорлар қарздор ҳукуматлар узоқ муддатли бўлса, уларнинг қарзларини ошириб юборишидан қўрқишлари мумкин. ОЕСДнинг 28 мамлакати учун 1990-2016 йилларни қамраб олган янги маълумотлар тўпламига асосланиб, газетанинг хулосасига кўра, ҳукуматлар қарз ставкалари ошса, қарзларнинг ўртача муддатларини узайтиради. Қизиғи шундаки, қарзлар коэффициентининг ўртача муддатдаги маржинал таъсири, сиёсий жиҳатдан қарам бўлган мамлакатларга қараганда, мустақил марказий банки бўлган мамлакатлар учун юқори. Марказий банк мустақиллигининг ушбу таъсирини иккита мумкин бўлган тушунтиришлар мавжуд. Биринчидан, мустақил марказий банк, акс ҳолда узоқроқ муддатга эга бўлган инфляция хавфи мукофотини пасайтиради. Иккинчидан, мустақил марказий банклари бўлган ҳукуматлар молия ва фоиз ставкаларини пасайтириш ва камайтириш учун пул-кредит сиёсатидан фойдалана олмайдилар. Шунга қарамай, бу билан боғлиқ бўлган хатарларни камайтириш учун узоқроқ муддат талаб этилади (Nöh, 2019).

Вавилов ва Ковалишин (1999) таъкидлаганидек, замонавий давлат қарзларини бошқаришнинг усулларида бири секюритизация ҳисобланади. Сотилган тақдирда тушум эски мажбуриятларни қоплаш учун ишлатилади. Янги қимматли қоғозлар қарз олувчига қарзга хизмат кўрсатиш бўйича янада қулай шартларни тақдим қилиши мумкин. Агар уларнинг бозордаги реал қиймати эски қимматли қоғозлардан юқори бўлса, улар қарз берувчи учун жозибador бўлади. Секюритизация, қарзларни иккиламчи бозорларда эркин сотилишини таъминлаб, қарзлар бўйича шартномавий чекловларни енгиб ўтишга имкон беради. Секюритизациялашнинг муҳим шarti эски қарзга нисбатан янги қарзли қимматли қоғозларнинг устуворлигини таъминлаш ҳисобланади. Бу эса уни ихтиёрий равишда албатта амалга оширишни тақозо этади. Акс ҳолда, эски қарз бўйича кутилаётган тўловлар янги қарз бўйича тўловларга тенг бўлиб, улар мавжуд бўлган дисконт билан бир хил чегирма билан сотилади ва қарздорлик камаймаслиги мумкин.

Демак, замонавий давлат қарзи назариясининг концептуал асослари ва мақсадлари комплекс тавсифга эгадир. Бунда давлат қарзлари фақатгина иқтисодий манфаатлар эмас балки сиёсий ва ижтимоий манфаатлари муштараклигида капиталларнинг халқаро ҳаракат кўламини ўзида мужассамлаштиради

3. Тадқиқот методологияси.

Илмий мақолани тайёрлаш жараёнида маълумотларни жадваллар асосида қиёсий таҳлил, маълумотларни гуруҳлаш, абстракт-мантиқий фикрлаш тизимли таҳлил асосида статистик гуруҳлаш, индукция ва дедукция ҳамда эксперт баҳолаш усулларида ҳам унумли фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистон Республикасида 2010 йилдан кейинги даврдаги давлат қарз сиёсатида ташқи қарзлар устувор аҳамиятга эга бўлган. Натижада, охириги декадада шаклланган давлат қарзлари асосан ташқи қарзларга тўғри келган.

Ички қарз инструментлари сифатида амалиётда давлат қисқа муддатли облигацияларидан фойдаланилган бўлиб, ушбу қарз инструментлари вақтинчалик кассавий тафовутни қоплаш орқали давлат бюджетининг том маънодаги жорий ликвидлигини таъминлаш вазифасини бажарган. Ушбу мажбуриятларнинг қисқа муддатли тавсифга эгаллиги, уларни жорий йил мобайнида тўлиқ сўндириш имкониятларини таъминлаган.

1-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси давлат қарз сиёсати кўсаткичлари, млн. долл¹.

№	Кўрсаткичлар	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
1.	Давлатнинг ташқи қарзлари	4698,2	5601,2	6475	7600	10016,4	15604,7	15710,1
2.	Давлатнинг ички қарзлари	0	0	3000,0	4000,0	4800,0	2000,0	5989,4
3.	Ялпи давлат қарзлари	4698,2	5601,2	6475	7600	10087,9	15776,5	21700

1-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг 1 йилдан 5 йилгача муддатларга мўлжалланган давлат ўрта муддатли ғазна мажбуриятларини жойлаштириш амалиётидан фойдалана бошлади (Қарор, 2018). Давлат ўрта муддатли ғазна мажбуриятларини жойлаштириш ҳисобига жалб қилинадиган молиявий ресурслардан аввало, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга, шунингдек, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратила бошлади. Хусусан, 2018 йилда жами 71,5 млн. доллар номинал қийматдаги ғазна мажбуриятлари эмиссия қилинган бўлса, 2020 йилда давлат ғазна мажбуриятларини эмиссия қилиш эвазига–147,37 млн. доллар (1,4 трлн. сўмлик) номинал қийматдаги облигацияларни муомалага чиқариш кўзда тутилган.

Давлат ўрта муддатли ғазна мажбуриятлари асосан банклар ва юридик шахсларга жойлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, РЕПО битимларининг объекти ҳисобланади ва

¹ www.mf.uz- сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

кредитларнинг гаров таъминотини сифатида хизмат қилиши мумкин. Ушбу жараёнда ҳам марказий банк фискал агент функциясини бажариб, қарз инструменти инвестор учун давлат бюджетига маблағни киритганлигини тасдиқлайди.


Ялпи давлат қарзлари 2014 йилда 4698,2 млн. долл., 2017 йилга келиб эса 7600 млн. долларни ташкил қилган ҳолда, асосан жами қарзлар ташқи қарзларга тўғри келганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, таҳлил қилинаётган бутун давр мобайнида Ялпи давлат қарзларининг таркибида ташқи қарзлар асосий салмоқни ташкил қилмоқда. Шунинг учун ҳам давлат қарзларини ўрта ва истиқболга мўлжалланган бошқариш тизимида ташқи қарзларни бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегик аҳамият касб этувчи масалалардан бири ҳисобланади.

Ташқи қарзларни жалб қилишда кредиторлар кесимида халқаро молиявий институтлардан ва хорижий мамлакатлардан жалб қилинган қарзлар устувор аҳамият касб этаётганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, 2020 йил бошига Давлат қарзи 21,7 млрд. АҚШ доллари (ЯИМга нисбатан 36,0 фоиз) миқдорини ташкил қилиши прогноз қилинган. Шундан ташқи қарзи 15710,1 млн. АҚШ доллари (ЯИМга нисбатан 25,4 %)ни ташкил этади.

Давлат ташқи қарзи кредиторлар кесимида хорижий давлатлардан олинган қарзлар 6,7 млрд. АҚШ долларни ташкил қилмоқда. Халқаро молия институтлар ҳисобига 7,7 млрд. АҚШ долларини ва инвесторлар ҳисобига 1,0 млрд. АҚШ долларини ташкил этади (Лойиҳа, 2020).

2019 йилда ташқи қарзларнинг кредит механизми шаклидаги жалб қилинган манбаларида Осиё тараққиёт банки етакчилик қилиб (жами 3929,0 млн. доллар), жами халқаро молия институтларидан жалб қилинган кредитлардаги улуши 51 %ни ташкил қилган. Қолаверса, Жаҳон банки гуруҳи аъзолари томонидан ажратилган кредитларнинг улуши 37 %ни ва мос равишда Ислон тараққиёт банкининг кредитлардаги улуши 11 %ни ташкил қилмоқда.

Демак, хулоса қилиш мумкинки, мамлакат иқтисодий тараққиётини таъминлаш мақсадида халқаро молия институтларидан жалб қилинаётган кредитларнинг асосий салмоғи инвестицион кредитларга тўғри келмоқда. Ушбу ҳолат давлат ташқи қарз сиёсати истиқболда ЯИМ ни позитив юқори ўсишини таъминловчи иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини реализация қилишнинг стратегик тавсифдаги молиявий манбаи вазифасини бажармоқда.



1-расм. Давлат ташқи қарзининг хорижий давлатлар кесимида ўзгариш суръати, млн. АҚШ доллари².

1-расмдан кўришимиз мумкинки, хорижий давлатлардан жалб қилинган давлат қарзларида Осиёнинг етакчи тараққий этган мамлакатларининг улуши юқори бўлган.

² www.mf.uz- сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

Хусусан, бунда табиий равишда Хитой инвестициялари номинал мазмунда юқори бўлиб, 2015-2017 йилларда пасайиш тенденцияси кузатилган бўлса, 2018 йилдан бошлаб ўсиш тенгденциясида 2020 йилга келиб 3006,2 млн. долларни ташкил қилган. Давлат қарзи сифатида жалб қилинаётган Хитой инвестиция кредитлари Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги нефт-газ тармоқларидаги йирик ва стратегик лойиҳаларни реализация қилишга жалб қилинган.

Кейинги ўриндаги йирик инвестор мамлакатлардан бири Япония ҳисобланиб, давлатлараро муносабатларни ривожлантиришда «Марказий Осиё+Япония» Мулоқоти платформасидаги ўзаро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. 1994 йилда таъсис этилган Ўзбек-Япон ва Япон-Ўзбек иқтисодий ҳамкорлик қўмиталари давлатлар дўртасида савдо ва иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади ва қўмиталарнинг 2016 йилги Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган 13-қўшма йиғилишидаги келишувлар кейинги йиллардаги ҳамкорлик алоқаларини ривожланишининг стратегик асосини ташкил қилади. Ҳозирда Республикада 10 та қўшма корхона мавжуд. Ушбу қўшма корхоналарнинг 1 нафари 100 фоиз япон сармояси иштирокида тузилган. 13 нафари япон компанияларининг ваколатхоналари аккредитациядан ўтган. «Ўзавтосаноат» компанияси ва Япониянинг «ISUZU» компанияси ўзаро келишуви асосидаги йирик ва стратегик лойиҳаларни реализация қилиниши натижасида «Исузу» компанияси агрегатлари асосида 10 мингга яқин микро автобуслар ва 11 мингдан ортиқ юк машиналари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида кенг кўламли ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, Жанубий Корея мамлакатимининг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган инвестицияларнинг ҳажми 7 млрд. доллардан ортган. Мамлакатимизда Жанубий Корея инвестициялари иштирокида ташкил этилган 461 корхона, шу жумладан 386 та қўшма корхона ва чет эл капитали юз фоиз бўлган 75 корхона фаолият юритмоқда³. Бу корхоналар нефт ва газ, нефт-кимё ва кимё, машинасозлик, электр техникаси ва тўқимачилик, ахборот ва телекоммуникация технологиялари, транспорт, логистика ва туризм соҳаларида муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. «Навоий» ЭИЗда «CNP Dream» билан ҳамкорликда косметик маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича завод иш фаолиятини бошлаган бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат ички бозор учун балки миллий иқтисодиёт экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш учун ҳам хизмат қилмоқда.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, давлат қарзлари мамлакат иқтисодий тарққиётини таъминлаш негизида ўрта истиқболда иқтисодиёт тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат кўрсаткичини барқарор ўсишига эришилади. Натижада олинган қарзларга хизмат кўрсатиш бўйича истиқболдаги ҳаражатларни молиявий асоси яратилишига эришилиши кутилмоқда.

Маълумки, давлат қарзлари ва уни жалб қилиш ҳар бир ҳукуматнинг кредит рейтингига боғлиқдир. Ҳукуматнинг кредит рейтингига таъсир кўрсатувчи омилларни 3 асосий платформадаги омилларга ажратиш мумкин: иқтисодий платформадаги омиллар; ижтимоий платформадаги омиллар; сиёсий платформадаги омиллар.

Иқтисодий платформадаги омиллар қаторида ЯИМга нисбатан қарз юкининг даражаси ҳам асосий омиллардан бири ҳисобланади. Давлат қарзларининг ортиб бориши, техник дефолт эҳтимоллигини оширади ва унинг динамик ўсиш тенденциясини биз мамлакатнинг халқаро инвестицион позициясидан кўришимиз мумкин. Шунингдек, мамлакатнинг халқаро инвестицион позицияси мамлакат халқаро активлари ҳажмининг динамик ўзгаришини ҳам ўзида ифодалайди.

Мамлакатнинг халаро инвестицион позициясига нафақат давлат қарзлари балки, хусусий сектордан жалб қилинадиган қарзлар ва унинг ўзгариш динамикасига ҳам боғлиқдир. Умуман, ташқи қарзларни мамлакат миллий иқтисодиётига таъсири давлат ва хусусий сектордаги ялпи қарзлар уйғунлиги шароитида баҳоланади. Ялпи ташқи қарзлар резидентларнинг норезидентлар олдидаги мажбуриятларини ўзида муҷассамлаштириб, асосий қарзлар ва фоизлар бўйича тўловларини талаб қилади.

³ <http://invest.gov.uz>-сайти маълумотлари.


Ялпи ташқи қарзларни иқтисодиётни давлат ва хусусий секторлар кесимидаги динамикасининг таҳлили, млрд. доллар⁴

№	Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
1.	Давлат ташқи қарзлари, Шу жумладан	3,9	4,4	4,7	5,6	6,5	7,6	10,1	15,8
1.1.	Ўзбекистон Республикаси Еврооблигациялари	-	-	-	-	-	-	-	1,1
2.	Хусусий ташқи қарзлар	4,1	5,5	6,9	7,3	8,1	8,2	7,2	8,6
	Ялпи ташқи қарзлар	8,0	9,9	11,6	12,9	14,6	15,8	17,3	24,4

2-жадвалдан кўришимиз мумкинки, ялпи давлат қарзлари 2012 йилда 8,0 млрд. долларни, хусусий ташқи қарзлар 4,1 млрд. доллар ташкил қилган. 2012-2019 йиллар мобайнида хусусий ташқи қарзларни ўсишига нисбатан давлат ташқи қарзларининг юқори ўсиш суръати кузатилган. Натижада 2019 йилга келиб давлатнинг ташқи қарзларини номинал миқдори 15,8 млрд. долларга етган. Давлат ташқи қарзларини 2018 йилда 2019 йилда тез суръатларда ўсишига Еврооблигациялар бозорида Ўзбекистоннинг Евробондларни жойлаштириш таъсир этган.

2-жадвалдан кўришимиз мумкинки, ялпи ташқи қарзларнинг юқори йили ўсиш суръати 2018-2019 йилларда (2018 йил-1,5 млрд. доллар, 2019 йилда-7,1 млрд. доллар) кузатилган.

2017 йилдан бошлаб, ялпи ташқи қарзларининг ўсишига давлат ташқи қарзлари юқори даражада позитив таъсир этган. Хусусан, 2018 йилда жами давлат суверен қарзларининг йиллик номинал ўсиши 2,5 млрд. долларни, 2019 йилда эса 5,7 млрд. долларни ташкил қилиб, давлат ва ҳудудий лойиҳалар молиялаштиришга йўналтирилди.



2-расм. Ялпи давлат ташқи қарзларининг давлат ва хусусий сектордаги йиллик ўсиш динамикаси, млн. АҚШ доллари⁵.

Бирок, 2018 йилда хусусий сектордаги қарзларнинг қисқариши кузатилган. Бу ўз навбатида нефтгаз ва энергетика тармоқларидаги қарзларни сўндириш муддати келганлиги натижасида уларни сўндирилганлиги билан изоҳланади.

⁴ Қаранг: Платёжный баланс, международная инвестиционная позиция и внешний долг республики узбекистан за 2019 год. www.cbu.uz.

⁵ www.mf.uz- сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Маълумки, мамлакатдаги потенциал инвестициялар ёпиқ иқтисодиёт шароитида мавжуд миллий жамғармалар билан чегараланади. Агар Очиқ иқтисодиёт шароитида инвестициялар миллий дамғармалардан ортадиган бўлса унда мамлакат ташқи глобал жамғармаларни жалб қилиш ҳисобига инвестицияларни молиялаштириш имкониятларига эга бўлади.

Ушбу жараён тўлов баланси таркибидаги жорий ҳисоб операциялари баланси сальдосидаги қуйидаги ўзгаришларни кузатилишга олиб келади:

$$S_n = I_n + CAB \text{ ёки } CAB = S_n - I_n \quad (1)$$

Агар, жорий ҳисоб операциялари баланси сальдоси $CAB > 0$ бўлган шароитда жамғармалар инвестициялардан миқдор жиҳатдан кўп бўлиб, жамғармаларнинг маълум бир қисми капитал сифатида ички иқтисодиёт учун инвестиция қилинмайди ва хорижий активларни ўсишига йўналтирилади. Бунда давлат ташқи дунё мамлакатлари учун “Соф кредитор” вазифасини бажаради.

$CAB > 0$ бўлган шароитда инвестициялар жамғармалардан кўп бўлиб, мамлакатдаги мавжуд инвестицияларни молиялаштириш мақсадида глобал жамғармаларнинг бир қисми инвестиция ресурси сифатида жалб қилинади. Бунда давлат ташқи дунё мамлакатлари учун “Соф қарздор” вазифасини бажаради.

5. Хулоса ва таклифлар.

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, фаол давлат қарзлари сиёсати натижасида жалб қилинган молиявий ресурслар мамлакат халқаро соф инвестицион позициясига таъсир этади. Мамлакатнинг тўлов баланси унинг муайян муддатга ташқи иқтисодий фаолияти бўйича операцияларни ифодаласа, халқаро инвестицион позиция, йиллар мобайнида тўлов баланси бўйича операциялар натижасидаги мамлакатнинг тўпланган халқаро активлари ва мажбурияларининг ҳолати ва унинг ўзгариш динамикасини ифодалайди.

Соф халқаро инвестицион позициянинг ҳаддан зиёд пасайиши эса мамлакатнинг тўлов қобилиятини пасайиш рискини келтириб чиқариши мумкин.

Давлат қарзларининг классик формаси давлатнинг иқтисодий агент сифатида ҳамма бирдек манфаатдор бўлиши лозим бўлган ижтимоий (бойликлар) неъматларни тақдим этиш билан боғлиқ харажатларни молиявий таъминлаш натижасидаги дефицитни монетизациялаш усули ҳисобланади.

Замонавий давлат қарзи назариясининг концептуал асослари ва мақсадлари комплекс тавсифга эгадир. Бунда давлат қарзлари фақатгина иқтисодий манфаатлар эмас балки сиёсий ва ижтимоий манфаатлари муштараклигида капиталларнинг халқаро ҳаракат кўламини ўзида мужассамлаштиради. Шунингдек, давлат қарзлари иқтисодий ночорликни эмас балки, тадбиркорлик ва ресурслар тақчиллиги шароитида ресурсларни ўзлаштиришга оид иқтисодий пталформадаги глобал механизмининг ўзида мужассамлаштирган.

Ўсиб боровчи давлат қарз юқори давлат учун жорий ва капитал тўловларни ортишига ва натижада иқтисодий тараққиёт учун анти стимул таъсир хусусиятига эга. Давлат қарзлари инвесторлари фойдасига миллий даромадни қайта тақсимлаш инструменти ҳисобланади. Замонавий давлат қарзи сиёсатининг архитектураси фундаментал қоидаларга асосланди

Адабиётлар/Литература/Reference:

Anzhong Huang, Lening Qiu, Zheng Li. (2021) Applying Deep Learning Method in Tvp-Var Model Under Systematic Financial Risk Monitoring and Early Warning//Journal of Computational and Applied Mathematics, Volume 382, 15 January, 113065.-P.16

George Soros (2003) The Alchemy of Finance. Wiley.

Lukas Nöh. (2019) Increasing public debt and the role of central bank independence for debt maturities. European Economic Review. Volume 119, October, Pages 179-198

Анисимов А. (2000) Государственный долг России. М., С. 17. (Anisimov A. (2000) State debt of Russia. М., p. 17.)

Вавилов А., Ковалишин Е. (1999) Проблемы реструктуризации внешнего долга России: Теория и практика// Вопросы экономики. № 5.; (Vavilov A., Kovalishin E. (1999)

Problems of restructuring Russia's external debt: Theory and practice // Problems of Economics. No. 5)

Лойиҳа (2020) Фуқаролар учун Бюджет/2020 лойиҳа. БМТТД ва ЎзР Молия вазирлигининг "Ўзбекистонда давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилишга кўмаклашиш" деб номланган қўшма лойиҳаси доирасида тайёрланган. (Project (2020) Budget for Citizens / 2020 project. Prepared within the framework of a joint project of UNDP and the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan "Assistance in public financial management reform in Uzbekistan.")

Попова Г.В. (2004) Государственный кредити́гос долг: Учеб. Пос. / РГЭУ «РИНХ». - Ростов-н/Д , с.269. (Popova G.V. (2004) Public credit debt: Proc. Pos. / Russian State Economic University "RINH". - Rostov-n / D, p. 269.)

Фармон (2017) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон. (Decree (2017) No. PD-4947 of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 "On the Strategy for further development of the Republic of Uzbekistan.")

Қарор (2018) Ўзбекистон Республикасининг Давлат ўрта муддатли Ҳазна Мажбуриятларини жойлаштириш, муомалада юритиш ва тўлаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бошқарувининг қарори // [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 13 июнда №1327 рақам билан рўйхатдан ўтказилган. (Resolution (2018) Resolution of the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan and the Board of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan on approval of the Regulation on the procedure for placement, circulation and payment of State Medium-Term Treasury Obligations of the Republic of Uzbekistan // [Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan on June 13, 2018 №1327 registered.)